
ТУМАН ҲОКИМИ ТОШҲОВУЗДА

Туманимизда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурига киритилган Тошҳовуз ҳамда Хонобод МФЙларида ишлар дастур асосида олиб борилмоқда. Бугун туман ҳокими Дилшоджон Джалиловнинг Тошҳовуз аҳолиси вакиллари учун навбатдаги сайёр қабули бўлиб ўтди. Сайёр қабулда ҳоқим ўринбосарлари, ташкилот, корхона раҳбарлари, маҳалла фаоллари иштирок этдилар. Қабулда Юнусали Тожибоев, Муҳайё Абдурахмонова, Мамазокир Саидов, Баҳодир Тожибоев, Турдали Алломов, Абдувоҳид Мамажонов, Абдуқаҳҳор Назаров, Мақсуда Худобердиева, Рўзимуҳаммад Мамажонов, Аваз Ашуров, Дилдора Жўрабоева, Қаноатхон Йўлдашева, Обид Разақов томонидан А-373 йўлида автомобил ювиш шахобчасини ташкиллашда кредит олиш, соғломлаштириш марказини ташкиллаш, хонадонига газ тармоғини тортишда амалий ёрдам, МФЙдаги Коинот кўчасига ичимлик суви тармоғини тортиш ва шағаллаштириш, мономарказда ўқиш, ишга жойлашиш, чўл ҳудудидан ер ўзлаштириш, Катта Андижон каналида гидро электр станциясини қуриш масаласи, соғлиқни тиклашда ёрдам каби муурожаатлар йўлланди. Туман ҳоқими аҳоли вакиллари томонидан йўлланган муурожаатлар бўйича жойида мутасаддиларга йўналтириб, қонун доирасидан чиқмаган ҳолда амалга ошириш кераклигини таъкидлаб, мууддат белгилади. Вақт талаб этадиган таклифларни ўрганиб, батафсил маълумот берилишлиги айтилди. Туман раҳбарининг қабули очиқ, ошқора, шаффоф ўтди. Айрим раҳбарлар масъулиятсизлиги танқид остига олинди. Одамларни рози қилиш, муаммоларини ўрганиб, ижобий ечим топиш барчамизнинг вазифамиздир. Халқ рози бўлса, ана шу ерда тинчлик, фаровонлик бўлади азизлар!

ЎЗЎВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2021-05-24 09:33:03